Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2014 йил
23 июль
ЧОРШАНБА
№ 59 (12695)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

УЗУМИНИ ЕБ, БОҒИНИ СУРИШТИРИНГ

Юртимизда айни пишиқчилик. Ёз чилласининг қуёшидан баҳра олиб, обдон етилган мева ва сабзавотлар халқимиз дастурхонини янада тўкин қилмоқда.

"Лола Қорақалпоқ" Паркент туманидаги энг кўзга кўринган фермер хўжаликларидан. Хўжалик 50 гектар ер майдонига эга бўлиб, 20 гектари узумчилик, 14 гектари боғдорчиликка ихтисослашган. Узумнинг серҳосил "Тоифи" ва "Ризамат ота" навлари парвариш қилинмоқда. Бу йил 15-20 тонна миқдорида узум олиш кутилмоқда. Боғнинг 7 гектарида олма ва олхўри, қолган 7 гектар майдонда гилос етиштирилади.

– Бу йил гилосдан 10 тонна ҳосил олдик, – дейди хўжалик раҳбари Руҳиддин Норматов. – боғу узумзорларда 20 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Улардан 4 нафари коллеж битирувчилари. Ёшларимиз тажрибали деҳқонларимиздан узумчилик ва боғдорчилик сирларини пухта ўрганмоқдалар.

СУРАТДА: хўжалик раҳбари Руҳиддин Норматов (чапдан) ва туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи Суннатилла Хўжааҳмедов ҳосил чўғидан мамнун.

Даврон АҲМЕДОВ олган сурат.

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

БУЮК АЖДОДЛАРГА МУНОСИБ ВОРИС БЎЛМОҚ КЕРАК

Мустақиллик йилларида Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг "ўзбек модели"га ҳамда кучли ижтимоий сиёсат принципларига асосланган ҳолда ёшлар ҳуқуқ ва манфаатлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қатор қонунларда мустаҳкамлаб қўйилди.

1991 йил 20 ноябрдаёқ қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонун ёшларнинг ижтимоий ҳамда маънавий камол топиши учун шарт-шароит яратиб беришга қаратилган эди. Шунингдек, Оила кодекси, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Таълим тўғрисида"ги, "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги, "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги, "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги, "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги қонунлар ёшлар тарбиясида, уларни соғлом турмуш тарзига ўргатишда, иш билан банд қилишда, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим ҳуқуқий база вазифасини ўтамоқда.

(Давоми 2-бетда).

Маънавият

МИССИОНЕРЛИК ВА ПРОЗЕЛИТИЗМНИНГ САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИ

Ҳозирги кунда миссионерлик ва прозелитизм ҳаракати дунё миқёсида диний ақидапарастлик, фундаментализм, экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик сингари глобал муаммолардан бирига айланди. Миссионерлик ҳаракати ҳақида фикр юритганда, аввало, бу сўзнинг ўзагини ташкил этган "миссио", "миссионер" сўзларининг маъно ва мазмунига тўхталиб ўтиш жоиз.

"Миссио" лотин тилидаги "missio" атамасидан келиб чиққан "мисйон" сўзи бўлиб ўзбек тилида "вазифа", "юбориш", "вазифа топшириш", "жўнатмоқ" деган маъноларни англатади.

Хорижлик мутахассислар миссионерликнинг амалдаги вазифаси ва унинг кишилик жамиятидаги таъсиридан келиб чиқиб, ушбу атамани яна ҳам кенгроқ, аниқроқ тарзда шарҳлашади. Жумладан, "миссио" сўзи "вазифа", "топшириқ", "аниқ мақсадга йўналтирган", "кимгадир ва нимагадир жавобгарлик бурчини адо этиш", "доимгидек дипломатик", "бир давлатнинг махсус мақсад ва вазифалари юзасидан ўзга давлатга юборилган вакили" деган маъноларни, шу билан бирга "черков ва диний уюшмага тегишли бўлган миссионерлик ташкилоти" каби тушунчаларни ўзида ифода этади, деган хулосани илгари суришади.

(Давоми 2-бетда).

Вилоят фаоллари йиғилиши

ЯРИМ ЙИЛЛИК САРҲИСОБИ

Вилоят фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 2014 йилнинг биринчи ярим йиллигида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари бажарилишини баҳолаш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Йиғилишда Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, вилоят ҳокими ўринбосарлари, гуруҳ ва котибият мудирлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, вилоят ташкилотлари раҳбарлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари, бир қатор ишлаб чиқариш корхоналари ва тадбиркорлик субъектлари вакиллари, шунингдек, республика ишчи гуруҳи аъзолари иштирок этди.

Йиғилишни вилоят ҳокими Аҳмаджон Усмонов олиб борди.

Таъкидланганидек, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 17 январдаги мажлисида Президентимиз томонидан белгилаб берилган мамлакат иқтисодий дастурининг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини амалга ошириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида биринчи ярим йилликда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари таъминланди.

Жумладан, ҳисобот даврида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръати 107, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 106,8, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш 107, қурилиш ишлари ҳажми 105,2, чакана савдо айланмаси 112,8 ҳамда аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 114,2 фоизни ташкил этди.

Эътироф этилганидек, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳудудий Дастурлари доирасида ҳисобот даврида саноат соҳасида янги корхоналарни ташкил этиш, мавжудларини модернизация қилиш ва кенгайтириш ҳисобига жами 125 та ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилди.

Вилоятдаги 17 та иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолган ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарга ўтган давр мобайнида 21,4 миллиард сўм миқдорида инвестициялар жалб этилди ва 8,2 миллиард сўм маблағ корхоналарнинг ички резервлари мобилизация қилинди, шундан 3,1 миллиард сўмлик дебиторлик қарзлари ундирилди.

Ҳисобот даврида Маҳаллийлаштириш дастури доирасида жами 32,1 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, дастур прогнози 108,3 фоизга бажарилди.

"2013-2015 йилларда Тошкент вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури" доирасида умумий қиймати 45 миллион АҚШ долларилик 37 та лойиҳа ишга туширилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 41,5 фоизга, кўрсатилган хизматлар ҳажми эса, 45,6 фоизга етди. Қабул қилинган барча дастурлар доирасида 44,3 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда).

Орамиздаги одамлар

ЭЛ ДАРДИ БИЛАН ЯШАШ БАХТИ

Қибрай тумани Зафаробод қишлоғида 16400 га яқин аҳоли яшайди. 4807 оила, 3725 хонадон бор.

Абдураҳмон Жомий, "Янги авлод", "Хўжакўрғон", "Пўлат қадам", "Шалола", "Шарқ", "Май" ва "Илғор" каби 8 маҳалланинг ўз ичига олган қишлоқ фуқаролар йиғинига таъбир жоиз бўлса, жамоат ишларида суяги қотган, "элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган" инсон Абдулла Эргашев раислик қилади. Аслида бундай катта "оила"га бош бўлиш осонмас. Бу ҳақда оқсоқолдан сўраганимизда шундай деди:

– Юрт юкини кўтариш албатта осон эмас. Лекин халқ ишончи беқиёс кучқувват берар экан. Қолаверса, ёнимда елкадош, қўл-қанот ёрдамчиларим бўлмаса, ёлғиз отнинг нафақат донғи, балки чангининг чиқиши ҳам қийин. Бу борада масъул котиб Шариддин Салойдинов, қишлоқ хотин-қизлар қўмитаси раиси Вазира Диканова, посбонлар сардори Бахтиёр Умаров каби жонкуяр фаолларга таянаман.

Айниқса, ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Ҳозир 6950 нафар ёшлар, жумладан, вояга етмаганлар доимий эътиборда. Ҳар бир ёшнинг фикр-доираси, қизиқиш ва интилишларини ҳисобга олиб, зарур чора-тадбирлар режасини ишлаб чиққанмиз. 3 та боғча, 8 та мактаб, 1 та коллеж, 2 та кутубхона, 5 та спорт майдончаси ва ўқитиш, ўргатиш марказлари, болалар хизматида. 4 та қишлоқ врачлик пункти аҳоли саломатлигини доимо назорат қилади. Бу ҳаракатларда маҳаллалар раислари, маслаҳатчиларнинг хизмати, ўрни алоҳида.

Мустақиллик байрами арафасида жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда уюштираётган барча тадбирларимиз қизиқарли, мазмунли ўтмоқда.

Саида ИКРОМОВА.
Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

ВАКИЛАМИЗ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИДА ҒОЛИБ

Пискент туманидаги Ойбек маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Хуринисо Аҳмедова жорий йил ўтказилган "Энг намунали диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи" кўрик-танловининг республика якуний босқичида иккинчи ўринга лойиқ топилди.

Унинг фаолияти юқори баҳоланиб, фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

– Ушбу мукофот биргина менга эмас, туманимиз маҳаллаларига берилган эътибор намунаси деб биламан, – дейди танлов ғолиби. – Истиқлол туфайли кўча ва хиёбонларимиз кундан-кун чирой очмоқда. Бу борада ҳаттоки, жажжигина болажонлар ҳам ўз кўмакларини аямаяптилар. Бу эса ўз навбатида эртамиз эгалари бўлмиш ёшлар тарбиясига берилаётган эътиборнинг мевасидир.

Бола аввало, оилада, сўнг туғилиб ўсган масканида таълим-тарбия олиб, шаклланади. Ҳудудимизда "Оила, маҳалла, мактаб" дастурининг изчил амалга оширилаётгани айни муддао бўлмоқда.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.

Вилоят ҳаёти

Ёшлар ишли бўлишмоқда

Ёшларга оид давлат сиёсати, унинг ижроси нафақат ўсиб келаётган ёш авлодни, балки барчани бирдек қувонтирмоқда. Бу йил Зангиота туманидаги мавжуд 11 та касб-ҳунар коллежларини 3659 нафар, академик лицейни 160 нафар йигит-қиз тамомлаб, мустақил ҳаётга қадам қўймоқдалар.

Битирувчиларнинг аксарияти ўз ихтисослиги бўйича ўзлари танлаган корхоналарда уч ёқлама тузилган шартнома асосида ишга жойлашмоқдалар.

129 ўғил-қиз эса олий ўқув юртларига киришга ҳаракат қилмоқда.

Битирувчиларнинг бандлигини таъминлашга тумандаги барча мутасадди ташкилотлар жалб этилган.

Зилола АЛИЕВА.

Маҳсулотларга талаб катта

"Ўзбекистон металлургия комбинати" очиқ акциядорлик жамиятининг пўлат симлар ишлаб чиқариш цехи жамоаси тажрибалардан келиб чиққан ҳолда ўзларига топширилган вазифаларини ортиғи билан бажариб келмоқдалар.

Бу цехда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга талаб катта.

Қурилиш корхоналари эҳтиёжини қондириб, буюртма асосида маҳсулот тайёрлаётган цех жонкуярлари топшириқларни ортиғи билан бажаришмоқда. Июнь ойи давомида режага асосан 850 тонна ўрнига 867,9 тонна маҳсулот тайёрланди. Бу режага нисбатан 102,1 фоизни ташкил этди.

Нозима САЛИМОВА.

Қатиқ кўзада ивийди

Оҳангарон туманидаги "Шоштепа шамс" фермер хўжалигига бундан бир неча йил аввал наслли қорамоллар келтирилиб, парваришлана бошлаганди.

Сут мўл-кўл бўлгач, хўжалик жамоаси уни қайта ишлашга киришди. Айниқса, хўжаликнинг мўъжаз цехида тайёрланаётган "кўза қатиқ"лар харидорларга манзур бўлмоқда.

– Сут маҳсулотларини сотиб олаётганда биринчи навбатда унинг сифати ва сақланиш муддатига қараймиз, – дейди пойтахтлик харидор Назокат Жўрабоева. – Чунки, сут маҳсулотлари тезда айниб, истеъмолга яроқсиз бўлиб қолади. Бу борада бежирим кўзачаларда ивитилаётган қатиқ афзалроқ экан. Таъми ҳам бошқача.

Фермер хўжалиги мутахассисларининг қайд этишича, қатиқ кўзада ивитилганда, у меъёрий ҳароратда 10 кунгача яхши сақланади. Шунинг учун бу ерда тайёрланаётган асосий маҳсулотлар – қатиқ, сузма, оддий ва куйдирилган сариёғ кўза қадоқларда сотувга чиқарилаяпти. Бунинг учун хўжалик қошида сопол цехи ҳам ташкил этилган.

Алишер МУРОДОВ.

Вилоят фаоллари йиғилиши

ЯРИМ ЙИЛЛИК САРҲИСОБИ

Ҳудудий инвестиция дастури доирасида 33,7 миллион АҚШ долларилик хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Бироқ, бу борада Бекобод шаҳри, Оққўрғон, Бўстонлиқ, Қуйи Чирчиқ, Чиноз ва Бекобод туманларида бирор долларлик хорижий инвестиция киритилмаганлиги қайд этилди.

Жорий йилнинг январь-июнь ойларида ҳудудий тасарруфдаги корхоналар томонидан 325,3 миллион АҚШ долларилик товарлар ва хизматлар экспорти амалга оширилиб, белгиланган прогноз 103,6 фоизга бажарилди. Лекин, дастур доирасидаги 29 та корхона томонидан 121,1 миллион АҚШ долларилик экспорт прогноз кўрсаткичлари тўлиқ бажарилмаганлиги, 17 та корхона томонидан эса, экспорт операцияси умуман амалга оширилмаганлиги айтиб ўтилди.

Йиғилиш чуқур таҳлил ва амалий танқид руҳида ўтди. Республика Президенти томонидан белгилаб берилган топшириқларга мувофиқ ишлаб чиқилган зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва паст рентабелли корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича "йўл хариталари"ни амалга оширишни жадаллаштириш юзасидан кўрилаётган чоратадбирлар атрофлича таҳлил этилди. Бунда вилоят ҳокимлиги комплекслари раҳбарларининг шахсий масъулиятини янада ошириш, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг ҳудуддаги корхоналар қувватлари юкламаси даражаси оширилиши ва улардан самарали фойдаланиш юзасидан масъулиятини ошириш тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

Шунингдек, йиғилиш кун тартибидаги ноқонуний миграциянинг олдини олиш, тартибга солиш ҳамда хориждаги фуқароларни республикага қайтариш ва ишга жойлаштиришда маҳаллий ҳокимлик ва тегишли вилоят бошқармалари шахсий масъулияти ва жавобгарлиги тўғрисидаги масала юзасидан вилоят Ички ишлар бошқармаси, вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи ҳамда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими раисининг ахборотлари тингланди. Ушбу масала бўйича Олмалиқ шаҳри, Бекобод ва Қуйи Чирчиқ туманларида амалга оширилаётган ишлар ҳисоботи эшитилди.

Йиғилишда кўрилган барча масалалар юзасидан аниқ вазифалар белгиланиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Вилоят фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Азимов иштирок этди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

БУЮК АЖДОДЛАРГА МУНОСИБ ВОРИС БЎЛМОҚ КЕРАК

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги Қарори босқичма-босқич изчил бажарилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлиб, фарзандларимизни ҳар томонлама соғлом, комил инсон қилиб тарбиялаш борасидаги вазифаларимизни янада юқори сифат даражасига кўтарди.

Президентимиз таъкидлаганидек: "Барчамиз бугунги ҳаёт олдимизга қўяётган бир аччиқ ҳақиқатнинг маъно-мазмунига етиб боришимиз зарур. Бу аччиқ ҳақиқат шундан иборатки, агарда кимда-ким бизнинг мустақил тараққиёт йўлимизни, орзу-мақсадларимизга эришиш йўлини, янги жамият қуриш йўлини тўсмоқчи бўлса, аввало, ҳали суяги қотмаган, мустақил дунёқараши шаклланиб улгурмаган ёшларимизнинг қалби ва онгининг мўртлигидан фойдаланиб, уларнинг маънавиятини бузиб, бизнинг азалий табиатимиз ва муқаддас одатларимизга мутлақо зид бўлган ғоялар билан чалғитиб, ўзининг ғаразли ва жирканч ниятларини амалга ошириш йўлида қурол қилиб олишга уринади. Миллий манфаатларимиз ва мақсад-муддаоларимизга бегона бўлган бундай зарарли мафкуралар тажовузи, бошқа хавф-хатарлар, айниқса, бизнинг минтақамизда кучайиб бормоқда. Ёшларимизни бу бало-қазолардан асраш учун жамият маънавий ҳаётида бўшлиқ пайдо бўлишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Бундай бўшлиқ юзага келган тақдирда эса, уни ёшларнинг илмга, касб-ҳунарга, соғлом турмуш тарзига, бунёдкорлик ишларига қизиқишлари билан ҳамоҳанг бўлган янгича ҳаёт мазмуни, янгича қадриятлар билан тўлдириш лозим. Энг муҳими, шуни унутмаслигимиз керакки, ёшларимизга, бинобарин, келажагимизга таҳдид солиб турган бу хавфларнинг олдини олиш учун бугун қатъий ҳаракат қилмасак, эртага кеч бўлиши мумкин".

Қарорга биноан мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш мақсадида, давлат ва жамоат ташкилотларининг таклифларини инобатга олиб "Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга каратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури" маъқулланди.

Дастур етти бўлим, 67 банддан иборат. Унда кўзда тутилган чора-тадбирлар кўлами ҳам кенг бўлиб, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий-маърифий, суд-ҳуқуқ соҳаларини ўзида мужассамлаштирган. Жумладан, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларида уларнинг фаоллигини ошириш, юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва чуқур билимга эга бўлган ватанпарвар ўғил-қизларни тарбиялаш, уларда турли мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириш, замонавий касб-ҳунарларни пухта эгаллашлари учун муносиб шароитлар яратиш, иш билан таъминлаш ва тадбиркорликка жалб этиш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган ишларни тизимли йўлга қўйиш, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, баркамол авлодни тарбиялашда оммавий ахборот воситалари ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш каби энг муҳим ва долзарб йўналишларда чора-тадбирлар кўзда тутилган.

Дастурнинг биринчи бўлимида "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари ва соғлиғига нисбатан салбий ҳолатларни келиб чиқишига замин яратишига асосий урғу берилаётганлигини таъкидлаш ўринли.

Ачинарлиси, дунёдаги расмий динлар ва конфессиялар ўртасида келиб чиқаётган зиддиятларнинг асосий омили миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари натижасида содир бўлаётганлиги айрим давлатлардаги маданий-маънавий муносабатларга, инсонларнинг диний эътиқодига нисбатан шубҳа уйғотиш, динлараро ва миллатлараро низоларни келтириб чиқаришга замин яратмоқда.

Бугунги кунда, дунё миқёсида миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари билан фаол шуғулланаётган тоталитар секталар ўз таълимотларини асосан ёшлар орасида тарғиб этишга ҳаракат қилишмоқда. Зеро, ҳар қандай давлат ва жамият ҳаётида ёшлар мамлакатнинг келажаги ҳисобланади. Шу сабабли, жамият ҳаётида ёшларнинг фаол ижтимоий кучга айланиб бораётганлиги, бу эса ўз навбатида уларни турли маънавий-мафкуравий хуружлар, ёт оқимлар таъсир ва тазйиқларининг бош манбаига айланишига олиб келади. Хулоса ўрнида, инсон қалби ва онгини эгаллашга ҳаракат қилаётган ёт оқимлар таъсиридаги мафкуравий хуружлар, ўз навбатида буюк маънавиятимиз, маданиятимиз, тарихий қадриятларимиз миллий ва диний эътиқодимизга рахна солишга интилаётган миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари сўнгги вақтларда мамлакат хавфсизлиги ва жамият барқарорлигини издан чиқаришга интилаётганлигини таъкидламоқчимиз.

Шундай экан, маънавий таҳдид ва хуружлар, ёт оқимлар таъсиридан огоҳ бўлиш, ёшларда кучли мафкуравий иммунитетни шакллантириш, уларни диний экстремизм, ақидапарастлик ва носоғлом ғояларга қарши қуроллантириш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Президентимиз: "Мафкуравий хуружлар миллий ва диний томирларимизга болта уришини, улардан бизни бутунлай узиб ташлашдек ёвуз мақсадларни кўзлашини, ўйлайманки, юртимизда яшайдиган соғлом фикрли ҳар бир одам яхши тушунади", дея таъкидлаган эди. Зеро, бағрикенг халқимиз томонидан эъзозланиб келинаётган тарихий анъаналаримиз, миллий қадриятларимизни ўзида мужассам этган, буюк маънавиятимизни асраб-авайлаш, жамиятимиз ҳаётида соғлом эътиқодни шакллантириш, мамлакатимиз келажаги бўлмиш ёшларимизни турли хил ёт оқимлар таъсиридан асраш, уларни ҳар томонлама соғлом, баркамол ва етук этиб тарбиялашга ҳар бир юртдошимиз ўз ҳиссасини қўшмоғи лозим.

Нарзулла ЖЎРАЕВ,
сиёсий фанлар доктори,
профессор,
Мансур МУСАЕВ,
тадқиқотчи.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қарор ва ижро

Янгийўл туманида ҳам янги саноат корхоналари ишга туширилмоқда. Натижада аҳолининг бандлик даражаси, турмуш фаровонлиги янада юксалиб, эртанги кунга ишончи мустаҳкамланмоқда.

ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

2013 йили туманда тиббиёт, саноат ва қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган йигирмата корхона ишга туширилган. Бунинг эвазига олти юздан зиёд янги иш ўрни очилган.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 12 июлда қабул қилинган "2013-2015 йилларда Тошкент вилояти саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги Қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир.

Туманда мазкур ҳужжатда кўзда тутилган устувор вазифалар ижросини таъминлаш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида "Sun way build", "Ayshona biznes", "Yangiyul fito kosmetiks" сингари олтита ишлаб чиқариш объекти фаолият бошлади. Беш миллион 540 минг АҚШ доллари йўналтирилган ушбу корхоналарнинг ишга туширилиши қарийб 400 нафар ёшлар ва хотин-қизларни иш билан таъминлаш имконини берди.

Энг замонавий дастгоҳлар билан таъминланган "Sun way build" масъулияти чекланган жамиятида полипропилен қоплар, картон қоғоздан турли шакл ва ўлчамдаги қутилар ишлаб чиқарилмоқда.

– Тайёр маҳсулотларни ички бозорга сотмоқдамиз, – дейди "Sun way build" раҳбари Д. Анваров. – Айни пайтда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, экспортини йўлга қўйиш бўйича иш олиб бормоқдамиз.

Туман ҳокимлигидан маълум қилишларича, йил якунига қадар 9 миллион 540 минг долларлик ўн тўртта лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш режалаштирилмоқда. Бу лойиҳалар амалга оширилиши билан яна мингдан зиёд янги иш ўрни яратилади.

ЎзА.



Қишлоқ хўжалиги

Вилоятимиз деҳқонлари жорий йилда 91 минг 500 гектар майдонда пахта етиштиришаётир. Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасидан маълум қилишларича, пахтачиликда бой тажрибага эга фермерлар ғўзанинг "С 65-24", "Ан-Боёвут", "Наманган-77", "Султон" каби маҳаллий иқлимга мос, эртапишар, серҳосил навларини парваришлашмоқда.

ЗАРБДОР КУНЛАР ОЛДИДАН

Оққўрғонлик фермерлар 14 минг 100 гектар майдонга чигит экишган. Айни пайтда сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш, турли зараркунандаларга қарши курашиш, ғўзани маҳаллий ва минерал ўғитлар билан озиқлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Пахта қатор ораларини бегона ўтлардан тозалаш, культивация ва чеканка қилиш каби агротехник тадбирлар ўз вақтида, сифатли амалга оширилаётир.

– Ғўза нозик, парваришталаб ўсимлик, – дейди тумандаги "Равшан аср" фермер хўжалиги раҳбари Рустам Абдуллаев. – Тажрибали деҳқонларимиз маслаҳатига амал қилиб, иш юритмоқдамиз. Шу кунгача ниҳолларни тўрт марта суғориб, беш марта культивация қилдик. Хўжалигимизда шарбат усулида суғориш кенг жорий этилган. Бу усул экин майдонлари қотиб қолишининг олдини олади. Намликнинг узоқ сақланишини таъминлаб, ҳосилга ҳосил қўшади.

Бекзод ҲИДОЯТОВ,
ЎзА мухбири.

САЙЛОВ ОЛДИ СЕМИНАРИ

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг вилоят ҳудудий бўлими ва Ўзбекистон "Адолат" социал демократик партияси вилоят кенгаши ҳамкорлигида "Сайловларда сийсий партия кузатувчиси ва ваколатли вакили иштирокининг ташкилий-ҳуқуқий асослари" мавзуида семинар-тренинг ўтказилди.

Тадбирда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг вилоят ҳудудий бўлинмаси мутахассислари, партия фаоллари, вилоят, шаҳар ва туман сайлов комиссиялари аъзолари, сайлов йўналиши бўйича тажрибали эксперт ва олимлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Сиёсий партиялар билан ўзаро ҳамкорликда сайлов жараёнида сиёсий партия кузатувчиси ва ваколатли вакили иштирокини, шунингдек, улар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш, сиёсий партиянинг ваколатли вакили ва кузатувчисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида маълумот бериш, кузатувчи ва ваколатли вакиллар захирасини шакллантиришда эътибор қаратилиши лозим бўлган мезонларни муҳокама этиш ва уларнинг сайловларга тайёргарлигини кучайтириш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш каби масалалар семинар-тренингнинг асосий мақсади этиб белгиланди.

Семинарда сўзга чиққанлар республикамизда халқаро талабларга жавоб берадиган сайлов тўғрисида қатор қонунлар қабул қилингани ва улар босқичма-босқич такомиллаштириб борилаётгани ҳақида гапириб, мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Шунингдек, сиёсий партияларнинг кузатувчиси ва ваколатли вакили иштироки борасида камчиликлар ва фойдаланилмаган имкониятларни бартараф этиш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар муҳокама этилди.

Иштирокчилар гуруҳларга бўлиниб, тренер берган топшириқлар асосида кузатувчи ва ваколатли вакилнинг сайлов участкаларидаги фаолиятини тақдимот орқали намойиш этдилар.

Нозима АРСЛОНОВА.
Азамат АҲМЕДОВ
олган сурат.

МИССИОНЕРЛИК ВА ПРОЗЕЛИТИЗМНИНГ САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИ

Прозелитизм юнонча "proselitizm" сўзидан олинган бўлиб, "келгинди, бир жойдан бошқа жойга кўчувчи", "ўзининг диний эътиқодидан бошқа динга ўтувчи" деган маънолар билан бир қаторда, "тўғридан-тўғри бирон-бир динга ишонган фуқарони ўз динидан воз кечишга ва ўзга динни қабул қилишга мажбур қилиш" деган маъноларни англатади.

Бугунги кунда нодавлат нотижорат ташкилотлари мақомида фаолият олиб бораётган тоталитар секталар қаторида "Иегова гувоҳлари", "Тўлиқ инжил христианлари" ёки "Пятидесятниклар", " Баҳоийлик", "Аум Синрике", "Сайенталогия", "Сан Мен Мун Бирлашган ҳаракати", "Мормонлар (сўнгги давр авлиёлари Иисус Христос черкови)" каби диний оқимлар миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатларини фаол тарзда олиб боришмоқда. Мазкур ҳаракат "намояндалари" глобаллашув жараёнининг ривожланиши натижасида турли хил маънавий хуружлар, ёт оқимлар таъсири орқали ўзларининг мафкуравий ғояларини билан дунёни забт этишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Европа парламенти томонидан дунёдаги энг хавфли 172 та секта қаторида "Иегова гувоҳлари" сектаси эътироф этилган. Секта ўз таълимотларини дунёнинг турли бурчакларида яшовчи аҳолига етказиш мақсадида уларнинг маънавияти, маданияти, қадриятлари, урф-одатларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратади. Шу йўл билан турли диний эътиқодга эга бўлган халқларнинг қалбига йўл топиб, улар онгига ўз ғояларини сингдиришга ҳаракат қиладилар ва қайсидир даражада мақсадларига эришадилар.

"Иегова гувоҳлари" аъзолари фуқаролар уйларига бевосита ташриф буюриб, секта ғоялари акс этган адабиётларни тарқатиш орқали ўз издошларини кўпайтириш мақсадида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришади. Айни пайтда иеговачи миссионерларнинг умумий сони 700 мингдан ортиқ. Улар томонидан олиб борилаётган миссионерлик ва прозелитизмнинг салбий оқибатлари тўғрисида машҳур украиналик олим М. Мороз: "Бизнинг ашаддий душманимиз, миллий-ликнинг ишончли жосуслари", деб атайди. Унинг фикрига кўра "Иегова гувоҳлари" оқимига қўшилган украиналиклар миллий қадриятларга бутунлай бефарқ бўлиб қолишмоқда.

"Иегова гувоҳлари" сектаси мамлакатимизда ҳам яширин тарзда фаолият кўрсатмоқда. Унинг аъзолари давлат ва жамият манфаатларига зид равишда секта таълимоти ва ғояларини акс этган диний адабиётларни тарқатиб, одамлар орасида тарғибот ва ташвиқот қилишмоқда. Уларнинг мафкурасида байроқ, герб, мадҳия ҳамда кўплаб миллий ватанпарварлик рамзларини олқишлаш, ижро этиш, давлат вазифаларига қасамёд қилиш рад этилади. Секта аъзоларига армия ва бошқа ҳарбий қўшинларда хизмат қилиш, ҳарбий ташкилотларда ишлаш, мактаб ва ҳарбий олий ўқув юртларида тайёргарликдан ўтиш, жанговар санъат ва спорт билан шуғулланишга рухсат этилмайди.

Миссионерлик ташкилотлари ўзларининг фаолиятини тизимли ташкил этиш мақсадида, аввало, одамлар қалби ва онгига диний ғояларни сингдиришда алоҳида шахсларга нисбатан катта эътибор қаратишга интилишади. Миссионерлар инсонларга таъсир ўтказишда миллатнинг тарихан шаклланган анъаналари, қадриятлари, маданияти, маънавияти ҳамда диний эътиқодига нисбатан шубҳа уйғотиш орқали ўзларининг тузоғига илинтиришмоқда. Уларнинг ҳаракатида шахсга таъсир ўтказиш орқали ўзининг диний эътиқодидан воз кечиш ҳамда ўзга динни қабул қилиши орқали унинг оила аъзоларига бевосита таъсир ўтказиш мақсади ётади. Ўз навбатида, миссионерларнинг мазкур разил мақсадлари оқибатида доимо муқаддас саналмиш оилада ҳар хил диний қадриятлар, турлича эътиқодий тамойилларнинг вужудга келиши натижасида аҳилликка, ҳамжиҳатликка путур етказилмоқда. Мазкур ҳолат оилавий муносабатларга рахна солишига, бир ота-онанинг фарзандлари ўзаро бир-бирига қарши бўлган эътиқодий зиддиятларни вужудга келишига сабаб бўлмоқда. Натижада, бир оила вакилини ўзга динни қабул қилиши, тотувлик ва бирдамликка путур етиши учун асосий омил вазифасини ўтамоқда.

Миссионерлик ва прозелитизм оқибатида оилада жанжал ва низоларнинг келиб чиқиши аввало, соғлом турмуш тарзининг бузилишига, ота-она, қавму қариндошлар, маҳалла ва ўз яқинларидан узоқлашишига сабаб бўлмоқда. Айниқса, миссионерлик таъсирига берилиши туфайли оила завол топмоқда, қариндошуруғлар ўртасида оқибатсизлик вужудга келмоқда.

Маълумки, миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари замирида дунё миқёсида инсонларнинг онги, қалби ва руҳиятини эгаллаш ва уни бошқаришга интилиш ётади. Натижада бошқаларнинг иродасига кўр-кўрона бўйсуниш, индивидуалликнинг йўқолиши ва унинг ўзга мазмун билан тўлдирилиши, тараққиётдан тўхташ, моддий йўқотишлар, инсонларнинг ҳаёти, маънавий дунёқараши ва соғлиғига нисбатан салбий ҳолатларни келиб чиқишига замин яратишига асосий урғу берилаётганлигини таъкидлаш ўринли.

Ачинарлиси, дунёдаги расмий динлар ва конфессиялар ўртасида келиб чиқаётган зиддиятларнинг асосий омили миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари натижасида содир бўлаётганлиги айрим давлатлардаги маданий-маънавий муносабатларга, инсонларнинг диний эътиқодига нисбатан шубҳа уйғотиш, динлараро ва миллатлараро низоларни келтириб чиқаришга замин яратмоқда.

Бугунги кунда, дунё миқёсида миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари билан фаол шуғулланаётган тоталитар секталар ўз таълимотларини асосан ёшлар орасида тарғиб этишга ҳаракат қилишмоқда. Зеро, ҳар қандай давлат ва жамият ҳаётида ёшлар мамлакатнинг келажаги ҳисобланади. Шу сабабли, жамият ҳаётида ёшларнинг фаол ижтимоий кучга айланиб бораётганлиги, бу эса ўз навбатида уларни турли маънавий-мафкуравий хуружлар, ёт оқимлар таъсир ва тазйиқларининг бош манбаига айланишига олиб келади. Хулоса ўрнида, инсон қалби ва онгини эгаллашга ҳаракат қилаётган ёт оқимлар таъсиридаги мафкуравий хуружлар, ўз навбатида буюк маънавиятимиз, маданиятимиз, тарихий қадриятларимиз миллий ва диний эътиқодимизга рахна солишга интилаётган миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари сўнгги вақтларда мамлакат хавфсизлиги ва жамият барқарорлигини издан чиқаришга интилаётганлигини таъкидламоқчимиз.

Шундай экан, маънавий таҳдид ва хуружлар, ёт оқимлар таъсиридан огоҳ бўлиш, ёшларда кучли мафкуравий иммунитетни шакллантириш, уларни диний экстремизм, ақидапарастлик ва носоғлом ғояларга қарши қуроллантириш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Президентимиз: "Мафкуравий хуружлар миллий ва диний томирларимизга болта уришини, улардан бизни бутунлай узиб ташлашдек ёвуз мақсадларни кўзлашини, ўйлайманки, юртимизда яшайдиган соғлом фикрли ҳар бир одам яхши тушунади", дея таъкидлаган эди. Зеро, бағрикенг халқимиз томонидан эъзозланиб келинаётган тарихий анъаналаримиз, миллий қадриятларимизни ўзида мужассам этган, буюк маънавиятимизни асраб-авайлаш, жамиятимиз ҳаётида соғлом эътиқодни шакллантириш, мамлакатимиз келажаги бўлмиш ёшларимизни турли хил ёт оқимлар таъсиридан асраш, уларни ҳар томонлама соғлом, баркамол ва етук этиб тарбиялашга ҳар бир юртдошимиз ўз ҳиссасини қўшмоғи лозим.

Нарзулла ЖЎРАЕВ,
сиёсий фанлар доктори,
профессор,
Мансур МУСАЕВ,
тадқиқотчи.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ: ОДОБ-АХЛОҚ, ҲАЁТИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИК

Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 6 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан шу мавзуда ижтимоий сўров ўтказилди.

Ёшларнинг бу борадаги фикрини ўрганиш мақсадида ўтказилган мазкур тадқиқот мамлакатимизнинг барча ҳудудларини қамраб олди. Сўров натижалари таълим олиш ёшларнинг ҳаётий қадриятлари тизимида асосий ўринлардан бирини эгаллашини кўрсатди.

Ижтимоий сўров натижалари мустақиллик йилларида ёшларнинг билим олиш, айниқса, олий маълумотга эга бўлишга интилиши тобора кучайиб бораётганини намоён қилди. Чунончи, 2013 йилда ўтказилган сўровда ҳар икки ёшдан бири олий маълумотли бўлиш истагини билдирган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 81,6 фоизни ташкил этмоқда. Улар кўпроқ иқтисодиёт, молия, ҳуқуқ, педагогика мутахассисликлари, тиббиёт йўналишида олий маълумотли бўлишни маъқул кўришмоқда. Муҳандислик-техник мутахассисликлари, ҳарбий иш, ахборот технологиялари соҳасини эгаллашга қизиқиш ҳам тобора ортиб бормоқда. Ёшлар чет тилларни ўзлаштиришга ҳам катта эътибор бермоқда. Иштирокчиларнинг мамлакатимизда чет тилларни ўрганишни такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган самарали чора-тадбирларни алоҳида таъкидлагани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Мазкур сўров мустақиллик йилларида ёшларимизнинг дунёқараши кенгайиб, ўзини англаш, ватанпарварлик, Ватанга садоқат ва юртдан фахрифтихор туйғуси кучайганини яна бир бор ёрқин исботлади.

Ёшларда Ватанимиз тарихи ва маънавий-маданий меросимизга қизиқиш ортиб бормоқда ва бу уларда мамлакатимиз келажагига дахлдорлик туйғусининг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Тадқиқот ёшларимизда миллий ўзликни англаш халқимизнинг маънавий хусусиятлари, урф-одат ва анъаналари, миллий мустақиллик, бой тарихимиз, буюк аждодларимиз мероси, она тилимиз ва маданиятимиз билан уйғунлашиб бораётганини кўрсатди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Самарқандда бўлиб ўтган "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти" мавзусидаги халқаро конференциядаги нутқи ёшларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Давлатимиз раҳбарининг нутқида буюк аждодларимизнинг маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш зарурлиги таъкидланган. Чунки халқимизнинг қадимий анъаналари ва маънавий қадриятлари ўсиб келаётган ёш авлодда миллий ўзликни англаш туйғусини шакллантиришда асос бўлиб хизмат қилади.

Ижтимоий сўров шуни кўрсатдики, истиқлол йилларида ёшлар онги ва хулқ-атворида боқимандалик кайфияти ўрнини ижтимоий фаоллик, ташаббускорлик ва мустақил фикр юритиш эгалламоқда. Тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш ёшлар ўртасида ижтимоий фаоллик кучайиб бораётганини намоён этди. Аксарият ёшларнинг (88,3 фоиз) келажакда ўз режаси борлиги ҳам шундан далолат беради. Ёшлар ўз режаларини, биринчи навбатда, таълим олиш ва яхши мутахассис бўлиб етишиш, мустаҳкам оила қуриш, жамиятга фойдаси тегадиган инсон бўлишга интилиш билан боғламоқда.

Ўзбекистон ёшларининг ҳаётий қадриятлари, одоб-ахлоқи ва ижтимоий фаоллигини ўрганиш борасида ўтказилган кўп йиллик тадқиқотлар шундан далолат берадики, мустақиллик йилларида навқирон авлод вакилларида қадриятлар, қизиқиш ва ижтимоий нормалар тизимида фаол ҳаётий позиция, мустақиллик, интилувчанлик, ижтимоий сафарбарлик каби янги устувор йўналишлар шаклланмоқда. Бу уларнинг миллий ўзлигини англаши ва барқарор ижтимоий кайфиятида ўз ифодасини топмоқда. Зеро, буларнинг барчаси Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ёшларга оид сиёсатнинг ёрқин самараларидир.

"Ижтимоий фикр" маркази материаллари асосида ЎзА мухбири Мехрибон МАМЕТОВА тайёрлади.

Тошкент воҳаси: афсона ва ҳақиқат

Буюк Ипак йўлидаги қадимий шаҳарлар халқнинг тарихий хотирасига мангу муҳрланган. Ва ҳатто улар ер юзидан супурилиб кетган бўлсада, ҳамон барҳаёт, қалбларимизни тўлқинлантириб туради.

Буюк кишиларнинг ва ишларнинг кўз илғамас излари, хоҳ у улкан яратувчан меҳнат билан бунёдга келган ажойиб шаҳар бўлсин ёки эрксевар аҳолиси тенгсиз душман билан жангда қаҳрамонларча олишиб, шу тупроққа бош қўйган ва бу билан туганмас шон-шуҳратга бурканган мўъжазгина қишлоқ бўлсин, буларнинг ҳаммаси мангу тирик хотира бўлиб, руҳимизга, юрагимизга куч-қувват бериб туради.

ЗАМИНДАГИ МАНГУ ИЗ

Мудом ҳақиқат излаб юрт кезувчи оқилу донолар, сўфийлар, мўътабар зотларнинг буюк тимсоллари узоқ ўтмишдан бизгача етиб келди. Вилоятимизда сўфийлик тариқати вакиллари бўлмиш табаррук зотлар номи билан боғлиқ муқаддас жойлар жуда кўп. Кўплаб ардоқли зотларнинг номи сир-синоатларга тўла. Биз энди улардан айримларини асл исмлари билан атай олмаймиз. Аммо, улар халқ хотирасида Бузрук бува, Парпиота, Ғойибота, Оқота сифатида маълум ва машҳур.

Биз Пискент тумани ҳудудидаги Парпиота муқаддас қадамжоси ҳақида илгари ҳикоя қилиб берган эдик. Оҳангарон тумани ҳудудида, Дўстлиқ қишлоғида, кўплаб тепаликлар бағрида бетакрор Парпиота қадамжоси сақланиб қолган. Афсоналарга бой, Яратганга меҳр-муҳаббат ва ибодат нурларига чулғанган муқаддас қадамжода табиатнинг энг асосий унсурлари – замин, сув, довдарахт, тошлар, қуёш ва инсон бир бутун бўлиб, яхлитликда бирлашган.

Узоқ ўтмишда бу ерда бутун вужудидан меҳр-муҳаббат нурлари таралиб турувчи табаррук зотнинг иштироки билан ажойиб булоқ кўз очди. Ҳассасининг бир зарби билан барча ер ости манбалари қайта тирилди. Парпи ота асосини ерга теккизиши билан муқаддас писта ва қатранғи дарахти ўсиб чикди.

Бу ерларда яна муқаддас тошлар ҳам бор. Ибодатчилар пўпанак босган шу тошлар сари ошиқадилар. Бу тошлар заминимизнинг ўтмишига оид катта-кичик воқеа-ҳодисаларни, минг йиллик ахборотларни сақлайди, ҳар қайси даврга кучқувват бериб туради.

Айтишларича, Парпи ота бу жойларда одамлар яхши ва шоду хуррамликда яшашларини Худодан сўраб, узоқ ибодат қилибди, Яратган унинг ибодатини қабул этибди. Бу ерда – шаҳарнинг шовқин-суронларидан, одамларнинг ғовур-ғувуридан йироқ жойларда нафас олиш ҳам, орзу-ниятлар ҳам ўзгача. Ўй-хаёллар ҳам бўлакча. Фикрлар ҳам тўғри, соф ва ёрқин. Булар – она замин, бола-чақа, мўл ҳосил ҳақидаги, хуллас, ҳаёт хусусида ўйлар.

Одамларнинг бу жойларга интилиши, кўп асрлардан буён тинимсиз оқиб келиши, ушбу заминнинг чиндан ҳам муқаддаслигидан далолат. Улар жисму жонларига, қалбларига соғлик-софлик тилайдилар. Аёллар Аллоҳдан фарзанд неъматини сўрайдилар. Ва бу ижобат бўлади. Бу ерга гўё байрамга бораётгандек келишади. Аслида ҳам бу чинакам байрам, кўнгил байрами, қалб байрами.

Парпи отанинг муқаддас қадами етган еттита жой бор. Уларнинг ҳаммасини халқ тавоф қилади. Бу жойлар куч-қувват, электр магнит майдонига эга. Шу боис бу ерда қушлар ҳам ўзига хос, ажабтовур тартибда учади. Дарахтлари ҳам ўзига хос. Улар доимо тоза ва енгил ҳаво, ажойиб ҳид таратиб туради.

Халқаро "Олтин мерос" хайрия жамоат фонди Дўстлик қишлоқ фуқаролар йиғини фаоллари ва Оҳангарон тумани жонкуярлари билан бирга янги "Парпиота" лойиҳасини амалга оширишни режалаштирмоқда. Мақсад – зиёратчи ва сайёҳлар учун ҳамма зарур шарт-шароитларни яратиб қўйиш. Зеро, бизнинг муқаддас қадамжоларимиз ва Ватанимизнинг ўтмиши ҳақида қанча кўп одам хабардор бўлса, Она заминимиз билан алоқа шунча мустаҳкам бўлади.

Одамзотнинг Она заминда қолдирадиган изи – унинг эзгу, хайрли ишлари, яқинларига, атроф-оламга меҳр-муҳаббати. Ва гарчи инсон номи тарих қатларида йўқ бўлиб кетсада, у ҳақидаги хотира барибир яшайверади. Тошларда, дов-дарахтларда, тинимсиз қайнар булоқларда.

Зарифа ЭШМИРЗАЕВА, халқаро "Олтин мерос" хайрия жамоат фонди вилоят бошқармаси бошлиғи.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" мавзусида ўқув-семинар бўлиб ўтди. Мазкур академия, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Миллий телерадиокомпания билан ҳамкорликда ташкил этилган семинарда олимлар, эксперт-лар, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, босма ва электрон оммавий ахборот воситалари вакиллари, маънавият тарғиботчилари иштирок этди.

ИСТИҚЛОЛ ЖУРНАЛИСТЛАР НИГОҲИДА

Академия ректори А. Абдувоҳидов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари У. Муҳаммадиев, Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Ш. Ғуломов, Миллий телерадиокомпания раисининг биринчи ўринбосари О. Тошбоев, олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари Ф. Ризаев, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ф. Муҳаммаджонова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида узоқни кўзлаб юритилаётган сиёсат халқимизнинг тинч ва осойишта, эркин ва фаровон ҳаёт кечиришида, барча соҳалардаги ислоҳотлар муваффақиятида, Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрўсининг тобора юксалишида муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 1 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори истиқлол айёмига қизғин ҳозирлик кўриш, уни юксак савияда кутиб олишга оид ишларни кенг, изчил ва тизимли тарзда йўлга қўйишда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Энг улуғ, энг азиз байрамни муносиб кутиб олиш ва нишонлаш мақсадида юртимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий фаолиятнинг асосий маъно-мазмунини, Ватанимиз тараққиёт йўлининг ҳар томонлама тўғри ва ҳаётий эканини, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш борасида эришилган ютуқларнинг аҳамиятини юртдошларимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказиш оммавий ахборот воситалари ходимларининг долзарб ва эзгу вазифасидир.

Мамлакатимизнинг тараққиёт одимлари, қўлга киритган натижаларини бутун дунё тан олаётгани, халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллаб бораётганини кенг ёритиш, бу ютуқларнинг асосий омилини халқимизнинг тафаккури ўзгариб, фуқаролик фаоллиги тобора кучайиб бораётганида кўриш, ушбу ижтимоий-сиёсий жараёнларни ҳар томонлама асослаб бериш ва бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш журналистлардан катта маҳорат, ёритилаётган мавзуни чуқур ўрганишни талаб этади. "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирларни чуқур таҳлилий асосда, халқчил, самимий ифодалаш уларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш муҳим аҳамиятга эга.

Анжуманда Ўзбекистон миллий ахборот тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, истиқлол айёмини оммавий ахборот воситаларида ёритиш, маънавият-маърифат, таълим-тарбия, иқтисодий ривожланиш, ёшларга оид давлат сиёсати соҳаларидаги саъй-ҳаракатлар, "Соғлом бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросига доир маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

Н. УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

Почта бўлимларида

Истиқлол йилларида бошқа соҳаларда бўлгани каби алоқа тизимида ҳам бир қатор ислоҳотлар олиб борилди. Жумладан, мамлакатимиз миллий почта хизмати юзага келди. Замон талабларига ва халқаро андозаларга мос тарзда компьютерлаштирилган тезкор ишлаш тизими йўлга қўйилди. Буни "Ўзбекистон почтаси" очиқ акциядорлик жамияти тизимидаги шаҳобчалар ва почта алоқаси тармоқлари фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

НАМУНАЛИ ХИЗМАТ – ЗАМОН ТАЛАБИ

Бугунги кунда мамлакатимиз почта алоқаси тизимида 15 мингдан ортиқ ходим фаолият юритади, улар томонидан ҳар куни минглаб хат-хабарлар, пул ўтказмалари, жўнатмаларга ишлов берилади. Миллионлаб обуначиларга газета ва журналлар, пенсия ва нафақа пуллари ўз вақтида етказилади. Шунингдек, почта алоқа тармоғи ходимлари томонидан коммунал хизматлар ва телефон учун тўловлар қабул қилиш, суғурта полислари, лотерея билетлари сотиш, электрон почта ва интернет хизматлари кўрсатилади.

Туманимизда ҳам аҳолига намунали ва сифатли хизмат кўрсатиб келаётган почта тармоқлари талайгина.

– Бўлимимиз шу ҳудуддаги 4 та маҳалла фуқаролар йиғини аҳолисига хизмат кўрсатади, – дейди "Ўзбекистон почтаси" очиқ акциядорлик жамияти Чиноз туман филиали "Ишчилар шаҳарчаси" бўлими бошлиғи Машҳура Йўлдошева. – Навоий, "Ишчилар шаҳарчаси", "Хўжа", "Қози" маҳаллаларидаги 900 нафар фуқарога нафақа пуллари ўз вақтида етказиб берилмоқда. Бундан ташқари, бўлимимиз ходимлари аҳолига газета ва журналларни етказиб бериш, почта ва бошқа алоқа хизматлари ҳам кўрсатиб келмоқда.

Зилола Рисбекова, Анна Рыбдакова каби хушмуомала ходимлар хизматидан аҳоли миннатдор.

Гулбаҳор ОРТИҚҲЎЖАЕВА. Даврон АҲМАД олган сурат.

ЭЪЛОНЛАР

Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаментини "Тошкент вилояти ҳудудида шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссияси"нинг 2014 йил 18 июлдаги 26-сонли Баённомаси қарори билан:

I. Ўзбекистон Республикасининг "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги қонунининг 23-моддасига асосан,

1.1 " XUMOYUN MIRZO TRANS" масъулияти чекланган жамиятига Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида енгил автомобилларда ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган АТ серияли 000795 рақамли лицензияни амал қилиш муддати тугатилди.

"NEW ESTATE ACTION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Тошкент вилояти Паркент тумани СИБ томонидан: 2014 йил 20 январдаги 10-1308/10450-сонли ижро хужжатига асосан, Тошкент вилояти Паркент тумани, Гулбоғ агрофирмаси Чўққайма маҳалласи манзилида жойлашган: "Картошка омбори биноси ва иншоотлари" такроран савдога қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 350 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 8 август куни соат 12:00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдога қўйилган кўчмас мулк билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "NEW ESTATE ACTION" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО 01101, ИНН 302373151. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М.Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13. Лицензия: RR-0148.

"REAL AUKSION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Тошкент вилояти Пискент тумани СИБ томонидан: 2012 йил 12 августдаги 67226-сонли ҳужжатига асосан: Тошкент вилояти Пискент тумани Муротали ҚФЙ манзилида сақланаётган: дав/рақ: 30-02ЕД, бошланғич баҳоси – 3 867 220 сўм бўлган "Магнул 8940" русумли трактор.

Аукцион савдоси 2014 йил 26 август куни соат 11:00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "REAL AUKSION" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104996600001, МФО 01101, ИНН 302370235. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М.Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13. Гувоҳнома № 006795.

В связи с решением Учтепинского суда по гражданским делам г. Ташкента, вступившего в законную силу 16.07.2014г., кадастровое дело (план квартиры), выданный на имя Иваниной Маргариты Анатольевны согласно гос.ордера за № 08-0215709 от 25.12.1992г., СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Банкрот "DILSHOD TRANS HIZMAT" МЧЖнинг номига Тошкент вилояти, Оққўрғон туман ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 2007 йил 17 декабрда берилган 923-сонли корхона Низоми ҳамда 2007 йил 20 декабрда 923 реестр рақами билан рўйхатга олинган гувоҳномаси, Тошкент вилояти хўжалик судининг 2014 йил 26 майдаги № 11-1331/11532-сонли ажримига асосан корхона тугатилганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тугатиш суд бошқарувчиси.

Аввал Тошкент шаҳар, Яккасарой туман ТСРЎИ томонидан 2013 йил 2 апрелдаги 11-000030 реестр рақами билан рўйхатга олинган "PATROKL" масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР 203395221) мулкчилик шакли "PATROKL" хусусий корхонасига ўзгаришини маълум қилади.

Аввал Яккасарой тумани ТСРЎИ томонидан 2001 йил 11 декабрдаги 000060 реестр рақами билан рўйхатга олинган "ABDUMALIK-SAVDO" хусусий фирмасининг (СТИР 203772299) мулкчилик шакли "ABDUMALIK-SAVDO" хусусий корхонасига ўзгартирилишини маълум қилади ҳамда бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳридаги 3-сонли умумтаълим мактаби томонидан 2014 йилда Омонов Бобурбек Баҳодир ўғли номига берилган U № 6548000 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Сурхондарё вилояти, Олтинсой туманидаги 40-сонли умумтаълим мактаби томонидан 2014 йилда Омонов Хусниддин Бахтиёр ўғли номига берилган U № 6572676 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Чилонзор тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "MAK-VER-FOOD" масъулияти чекланган жамиятининг (ИНН 205733305) 2005-2013 йил даврларида молиявий натижалари акс этган барча баланс ва статистика ҳисоботларининг ҳамда кадрларга оид ҳужжатларнинг асл нусхалари тўплами йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ. Тел.: (+99898) 300-89-85.

Юнусобод тумани ТСРЎИ томонидан 16.01.2013 йилда 10-10417 реестр рақами билан рўйхатга олинган якка тартибдаги тадбиркор "Халмуродов Одилбек Отахонович"га тегишли бўлган гувоҳнома (патент) йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "ISKANDAR ELIT MEBEL" масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР 302521648) устав фонди 300 000 000 сўмдан 150 000 000 сўмга камайтирилади. Тел.: 178-54-43.

ООО "PREAM MILK" (ИНН 301163604, ОКОНХ 18221, ОКПО 22773228), зарегистрированное 18.01.2013г. ИРСП Алмазарского района г. Ташкента за № 003257-05, расположенное по адресу: ул. Жомий, д. 5, ЛИКВИДИРУЕТСЯ (Протокол решения учредителей № 2 от 10.07.2014г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования объявления.

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан "TRUST CONSTRUCTION" масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР 302721730) мулкчилик шакли хусусий корхонага айлантирилади. Тел.: (98) 314-88-02.

Зангиота тумани ТСРЎИ томонидан ЯТТ "Rostaeva Oksana Yuriyevna"га 2013 йил 2 октябрда берилган 8568 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Чилонзор тумани ҳокимлиги томонидан якка тартибдаги тадбиркор Воҳидов Сардор Дилмурод ўғлига тегишли бўлган патент (реестр. № 0809962, ИНН 603008064) йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ООО "AMERICAN DOOR" (ИНН 302818940, ОКОНХ 15230, ОКПО 25038328), гувоҳнома № 007185-05 от 06.02.2014 г. зарегистрированный отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Алмазарского района г. Ташкента, расположенного по адресу: ул. 1-туп. Фаробий, д. 39, ЛИКВИДИРУЕТСЯ. Протокол решения № 2 от 22.07.2014 г. Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования объявления.

Тошкент вилояти хўжалик суди жамоаси Тошкент вилояти хўжалик суди судьяси Илҳомжон Ражабовга волидаи муҳтарамаси **Мария ХЎЖАНАЗАРОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

МОҲИР МУСИҚАЧИ БЎЛАМАН

Ўсиб келаётган ёш авлод қалбида энг эзгу туйғуларни шакллантирадиган омиллардан бири – мусиқа ва санъатга бўлган қизиқишни, муҳаббатни кучайтиришдир.

Мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ана шундай маданият ўчоқлари – мусиқа ва санъат мактаблари қайта ва тўлиқ таъмирланиб, зарур жиҳозлар, мусиқа асбоблари билан таъминланди. Замонавий, шинам, барча қулайликларга эга бундай масканларда малакали мутахассис, устозлардан таълим олаётган иқтидорли ёшлар сафи кундан-кунга ортиб бормоқда.

Чиноз туманидаги 14-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари сўнгги йилларда барча танловларда фаол қатнашиб, ғолибликни қўлга киритишмоқда.

Мусиқа мактабининг ўз анъаналари бор. Ҳатто, шу даргоҳда мусиқа сирларини эгаллаган айрим ўқувчилар Ўзбекистон Давлат Консерваториясини муваффақиятли тугаллаб, ўз мактабларида дарс беришмоқда.

Ҳозирда Азиза Полвонова раҳбарлик қилаётган мазкур мусиқа мактаби ўқувчилари бу йил ҳам Глиэр номидаги республика ихтисослашган мусиқа академик лицейида бўлиб ўтган Муҳиддин қори Ёқубов номидаги ёш ижрочилар кўрик-танловининг республика босқичида қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллашди.

Айниқса, ўзбек халқ чолғулари бўлими дутор-бас йўналиши бўйича 2-синф ўқувчиси Мирзаанвар Музрафовнинг муваффақиятли чиқишлари барчани қувонтириб юборди. У Г. Қодировнинг "Рақс", Вивальдининг "Концерт" ва А. Гречаниновнинг "Весельчак" асарларини маҳорат билан ижро этиб, мухлислар олқишига, биринчи ўрин ва 1-даражали диплом ҳамда мукофотга сазовор бўлди.

– Бугунги ғолиблик учун мен аввало устозларимдан миннатдорман, – дейди у. – Келажакда моҳир созанда бўлиб, халқимиз мусиқа маданиятини дунёга машҳур этишни истайман.

Сайёра РАҲМОНОВА.
Даврон АҲМАД олган сурат.

Спорт

Спартакиада

ЕТАКЧИ ҚИЗЛАР БЕЛЛАШУВИ

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Бекобод шаҳар кенгаши давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда "Соғлом турмуш тарзи" Давлат дастури доирасида бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда. "Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!" шиори остида ўтказилган спартакиада ана шундай тадбирлардан бири бўлиб, унда "Камолот" ЁИҲ бошланғич ташкилотларининг хотин-қиз етакчилари иштирок этдилар.

Умумтаълим мактаблари етакчиларидан иборат "Сайхун санамлари" ва "Турон маликалари", касб-ҳунар коллежлари етакчиларининг "Сайхун маликалари" ҳамда маҳаллаларнинг фаол қизларидан тузилган "Ораста қизлар" жамоалари "Қувноқ эстафета", "Тўпни ҳалқага тушириш", "Арқон тортиш" каби шартлар бўйича ўзаро куч синашдилар. Қизғин баҳслар "Сайхун санамлари" жамоасининг ғалабаси билан якун топди.

– Ушбу тадбирни ўтказишдан мақсад, хотин-қизлар спортини ривожлантириш, аёллар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ва ўсиб келаётган ёш авлодга уларни намуна қилиб кўрсатишдан иборат, – дейди лойиҳа муаллифи Мадина Мирзааҳмедова.

Каримқул БОБОҚУЛ ўғли.

Таэквондо

Жанубий Кореяда таэквондо (WTF) бўйича ўтказилган мамлакат очиқ чемпионатида Ўзбекистон спортчилари муваффақиятли иштирок этишди.

ВАКИЛЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ

Дунёнинг етмишдан зиёд давлатидан 2000 нафардан ортиқ спортчи қатнашган мусобақанинг кўруги йўналиши бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган баҳсларда спортчиларимиздан Ниёз Пўлатов, Саидолим Нўъмонов, Шаҳбоз Шофайзиев ўз вазн тоифасида барча рақибларини енгиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Давлатжон Давронов ва Нигора Турсунқулова бронза медаль билан тақдирланди.

– Нуфузли мусобақадаги ғалабамиз юртимизда ёшларнинг жисмонан ва маънан соғлом инсонлар бўлиб камол топиши, иқтидор ва истеъдодини намоён этиши учун яратилаётган кенг имкониятлар самарасидир, – дейди Саидолим Нўъмонов. – Ниятим 2016 йилда Бразилияда ўтадиган ёзги Олимпия ўйинларида муносиб иштирок этиб, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги обрўсини янада оширишга ҳисса қўшишдир.

Кадетлар ўртасидаги мусобақада Мадина Рўзиева иккинчи, Ирода Миртожиева, Абдураҳмон Зокиржонов ва Олег Тай учинчи ўринни эгаллади. Катталар ўртасида Никита Рафалович кумуш, Наталья Маматова бронза медални қўлга киритди.

Таэквондо "пумсе" йўналиши бўйича Мавлонжон Рустамов ва Нодирахон Шермуҳамедова олтин, Мафтуна Толипова кумуш, Баҳодир Аловхонов, Зафарбек Сатторов ва Машрабжон Бозорбоев бронза медалга сазовор бўлди.

Ж. АҲМЕДОВ. (ЎзА).

Кўргазма

ҚАДИМИЙ МЕРОС НАМУНАЛАРИ

Ўзбекистон Бадиий академияси Халқаро маданият карвонсаройида "Қаршовултепанинг маданий мероси" мавзуида археологик кўргазма ташкил этилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида тарихимизни чуқур тадқиқ этиш, буюк аждодларимизнинг бой маънавий-маданий, илмий меросини ўрганиш, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, мазмун-моҳиятини ёшларга етказиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Халқаро маданият карвонсаройи фаолиятида маданиятимиз, санъатимиз тарихини ўрганиш, кўҳна масканларга археологик экспедициялар уюштириш, ноёб осориатиқаларни тиклаш, бу йўналишда олим ва мутахассислар иштирокида талаба-ёшлар учун маҳорат сабоқлари ташкил этиш алоҳида ўрин тутади.

Кўргазмада Чиноз тумани ҳудудида жойлашган Қаршовултепа ёдгорлик мажмуасида олимларимиз томонидан олиб борилган археологик қазишмалар натижасида топилган ашёлар, хусусан, VI-VIII асрларга тегишли бўлган тангалар, турли безаклар, рўзғор анжомлари, сопол буюмлари намойиш этилмоқда.

– Экспозициядаги нодир ашёларда сопол, металл буюмларга берилган нафис ишловлар эътиборни тортади, – дейди Бадиий академия бош илмий котиби Абдумажид Мадрайимов. – Буларнинг барчаси шу ҳудудда азалдан ҳунармандчилик, маданият, маърифат равнақ топганини исботлайди.

Кўргазма доирасида олимлар, археологлар, санъатшунослар иштирокида Қаршовултепадаги қазишма ишларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Н. УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

Болалар ёзи – 2014

Мамлакатимизда ёзги таътил мавсумида навқирон авлоднинг мазмунли дам олиши билан бирга ўғил-қизларимиз замонавий билим ва касб-ҳунарларни чуқур ўрганиши, чет тилларини пухта ўзлаштириши учун зарур шарт-шароит яратиш масаласига устувор аҳамият берилмоқда.

ҲАМ ҲОРДИҚ, ҲАМ СИФАТЛИ ТАЪЛИМ

Бўстонлиқ туманида жойлашган "West Camp" оромгоҳида болаларнинг ҳам ҳордиқ чиқариши, ҳам инглиз тилига доир билимларини ошириши учун қулай шароит яратилган.

Сўлим гўшада 150 нафар ўғил-қиз ёзги таътилни мароқли ўтказмоқда. Бу ердаги машғулотларга олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, мутахассислар жалб қилинган. Болалар қизиқарли саволжавоб, ўйин тарзидаги машғулотларда инглиз тили оламига олиб кирилмоқда. Семинар-тренингларда ўқувчиларнинг сўз бойлигини оширишга, мулоқот кўникмасини шакллантиришга эътибор қаратилаётир.

– Оромгоҳда юртимизнинг турли ҳудудларидан келган тенгдошларим билан яқиндан танишиб, ўқув йили давомида олган билимимизни мустаҳкамламоқдамиз, – дейди пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 225-умумтаълим мактаби ўқувчиси Гўзал Абдуллаева. – Энг қувонарлиси, оромгоҳда инглиз тили бўйича саводхонлигим ошди. Бу ўз устимда тинимсиз ишлаётганим, инглиз тилидаги "Мутолаа", "Тақдимот" каби тўгаракларда мунтазам иштирок этаётганим туфайлидир.

Ушбу масканда болаларнинг маънавиятини бойитиш, истеъдодини юзага чиқариш, ўз устида ишлаш кўникмасини шакллантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Расм чизиш "моҳир қўллар" тўгаракларида ўқувчилар ижодий-интеллектуал салоҳиятини оширса, сузиш, футбол, волейбол, стол тенниси каби тўгараклар болаларнинг жисмонан чиниқишига ҳисса қўшаётир.

– Оромгоҳимиз мусаффо ҳавоси, соя-салқин гўшалари, муздек булоқ суви билан болаларга бир олам завқ бағишламоқда, – дейди дам олиш маскани директори ўринбосари Ойбек Собиров. – Инглиз тилини ўргатишга ихтисослаштирилган ўнга яқин тўгаракда ўқувчилар катта иштиёқ билан машғулотларда қатнашаётир. Олиб бораётган бундай ишларимиз ёш авлоднинг жисмонан соғлом, юксак маънавиятли, етук билим соҳиблари бўлиб улғайишига қаратилгандир.

Фарида ИБОДОВА (ЎзА).

БЕШТА МЕДАЛЬ БИЛАН ҚАЙТИШДИ

АҚШнинг Орландо шаҳрида Шарқ яккакурашлари бўйича Жаҳон чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди.

Дунёнинг 40 та мамлакатидан 1000 дан ортиқ файтерлар иштирок этган мазкур чемпионатда Ўзбекистон Комбат айкидо ассоциацияси спортчилари ҳам Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилдилар.

Ўзбекистон "Шарқ" яккакурашлари ва жанг санъати марказидан маълум қилишларича, ҳамюртларимиз Жаҳон чемпионатида тўртта олтин ва битта бронза медалларини қўлга киритишди. Жумладан, фулл-контакт баҳсларида спортчиларимиздан Искандар Мирзаев, Ҳабиб Қурбонов ва Нозим Умаровлар барча рақибларини енгиб, олтин медалга сазовор бўлди. Шунингдек, лайт-контакт баҳсларида қатнашган Нозим Умаров жамоамизга тўртинчи олтин медални келтирган бўлса, ушбу йўналишда иштирок этган Ҳабиб Қурбонов бронза медалини қўлга киритди.

Терма жамоамиз мураббийларининг фикрича, спортчиларимиз мазкур чемпионатга олдиндан жиддий тайёргарлик кўришган эди ва шу боис ҳақли равишда дунё миқёсидаги чемпионатда юқори натижаларни кўрсатишди. Эндиликда улар жорий йил сентябрь ойида Италияда ўтказиладиган Жаҳон чемпионати ва октябрь ойида Таиландда бўладиган Осиё чемпионатига пухта ҳозирлик кўришмоқда.

Ғанишер ТОҲИРОВ, "Туркистон-пресс".

Рассом хандаси

– Тавба, бу балиқ овлаганми ёки балиқчини тунаганми?!

caricatura.ru

Огоҳ бўлинг: иллат

Гиёҳвандлик, яъни "наркомания" юнонча "narko" (карахтлик) ва "mania" (телбалик, жаҳл, шод-хуррамлик) сўзларидан олинган бўлиб, кучли руҳий таъсир этувчи моддалар истеъмол қилиш натижасида келиб чиқувчи касаллик. Инсоният генофондига хавф солаётган бу офатга қарши халқаро миқёсда курашилмоқда. Шунга қарамай, дунёда гиёҳвандликка гирифтор бўлганлар кўпайиб бораяпти.

ЎЗИНГИЗНИ ЧОҲГА ТАШЛАМАНГ...

Гиёҳвандлик чангалига илинган кишининг ундан қутулиши қийин. Аксинча, у янги-янги қурбонларни ўз домига тортади. У одамни заифлаштиради, тананинг хасталикларга чидамлилиги, яъни иммунитетни емиради, хотирани пасайтириб, ҳамма нарсага бефарқ қилиб қўяди, юрак, қон-томир ва асаб тизимини ишдан чиқаради. Бундан ташқари, ошқозон-ичак, жигар, ўпка фаолиятини бузади.

Бангилар ўта ялқов, оиласига бефарқ ва бепарво бўлиб қолади. Энг ачинарлиси, нафсини жиловлай олмаган баъзи кимсалар эътиқоди заиф, иродаси бўш, енгил-елпи яшашга майли бор ёшларни турли йўллар билан тузоғига илинтириб, улардан фойдаланишади.

Гиёҳванд моддаларни сотиш ва тарқатиш уни истеъмол қилишдан ҳам оғир жиноятдир. Мўмай пул топиш, осон даромадга эришиш йўлида ҳеч нарсадан тап тортмайдиган айрим кимсалар бу қилмишлари билан оилаларнинг бузилишига, майиб-мажруҳ гўдаклар туғилишига, ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган қанчадан-қанча ёшларнинг турли жиноятларга қўл уриб, умри хазон бўлишига сабабчи эканларини билишармикин?!

Гиёҳвандлик иллати ОИТС, гепатит, сил каби кўплаб юқумли касалликларни келтириб чиқариши ҳаммага маълум. Европа ва бошқа мамлакатларда рўйхатга олинган 14 миллион гиёҳванднинг 2 миллиони ОИТСга чалингани бунинг исботи. Айниқса, гиёҳванд ота-оналардан ногирон болалар дунёга келиши кечириб бўлмас хатолик. Бу оила учун ҳам, жамият учун ҳам катта фожиа.

Франциялик олим Демма гиёҳванд моддалар истеъмол қилувчи 10 оилани 28 йил давомида кузатган. Унинг аниқлашича, бу оилаларда болаларнинг 90 фоизи ногирон бўлиб туғилган.

БМТ экспертлари ўтказган тадқиқотга кўра, жаҳонда ҳар йили тахминан 100 минг гиёҳванд вафот этмоқда. Одам гиёҳванд моддалар асирига айланган, беш йилдан ортиқ умр кўрмайди. Аёллар гиёҳванд моддаларни эркакларга қараганда уч баравар кам истеъмол қилишади. Шунга қарамай, кейинги пайтда дунё бўйича банги аёллар 6,5 баравар кўпайгани қайд этилди. БМТ маълумотига кўра, наркобизнес савдосидан йилига 400 миллиард доллар даромад тушмоқда.

... Малоҳатни 17 ёшида турмушга беришди. Тўйни шунчалик тезлаштиришдики, шошилибми ёки атайлабми, ФҲДЁ бўлимида никоҳдан ўтилмади. Тўй дабдабали бўлди, келин-куёвга ҳамма ҳавас қилди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай эса, куёв кечаси келбирин-кетин тилла тақинчоқлари, қимматбаҳо буюмлар йўқолгач, куёв гиёҳванд экани ошкор бўлди. Довдираб қолган Малоҳат ён-атрофидан нажот топа олмай, навбатдаги калтакланишдан кейин ўзини осди...

Саволлар туғилади: Малоҳат ёшлик қилганмайдиган ёки тонг ёришаётганда асабий, тажанг ҳолда уйга қайтадиган одат чиқарди. Малоҳатнинг журъатсизгина саволига жавобан уни аёвсиз дўппослайдиган бўлди. Аммо, лекин катталар қаёққа қарашди? Нега ёшлар ФҲДЁга бориш зарурлиги ҳақида чурқ этишмади?! Нима учун қиз билан йигит тиббий кўрикдан ўтишмади?

Лекин, афсуски, энди кеч. Даҳшатли хатога йўл қўйиб бўлинган.

Таъкидлашларича, бир гиёҳванд ўнлаб иродаси суст кишиларни ўз сафига қўшиб олиши мумкин экан. Уларнинг кўпчилиги ёшлар экани ниҳоятда ташвишланарли.

Мамлакатимизда гиёҳвандликка қарши жиддий курашилмоқда. Бу борада айниқса, "Оила, мактаб, маҳалла" ҳамкорлиги концепциясининг ўрни катта. Концепцияда ёшларимизни миллий қадриятларимизга садоқат, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар онгида соғлом турмуш тарзини шакллантириш асосий ўрин эгаллайди. Бугунги кун ёшлари орасида буни чуқур англаб ва қадрига етиб, имкониятлардан оқилона фойдаланаётганлар беҳисоб. Аммо ота-онасининг қарамоғида яшаб, умрини беҳуда ўтказаётган, гиёҳвандликка берилиб кетаётганлар ҳам борки, уларни бу фожиадан қутқариб олиш сизу бизнинг бурчимиздир.

Хуршида ТУРСУНБОЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-452. Адади 8765. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

(т) белгили материаллар – тижорат материаллари. *"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.40.